

Нозимахоним (1870 – Тошкент — 1924) — шоира. Ўзбек аёллари орасидан чиккан биринчи журналист-публицист. Татар, араб ва форс тилларини ўрганган. Оренбург ва Козонда чикиб турган матбуотни мунтазам кузатиб борган. Европа адабиёти ва маданияти билан таниш, эркпарварлик гояларидан бахраманд бўлган. Ўзбек ва форс мумтоз адабиётини, айникса, Саъдий, Хофиз асарларини ўқиган. Шеър ва маколалари 1900 йилдан матбуотда босилган. 20 ёшларида шоира «бешёгочлик Нозимахоним» номи билан машхур бўлган. Тараккиёт, маърифат ва маданиятни ташвиқ этувчи шеър ва манзумалари, жаҳолат, бидъат-хурофотни фoš этувчи асарлари, замонасидаги ижтимоий тенгсизлик ва авж олган миллий истибдоддан кескин норозилик баён килинган ўткир хажвий шеърлари «Шухрат», «Садойи Туркистон», «Тараккий» каби газеталарда мунтазам чикиб турган. Шоира меҳнаткаш халқнинг миллий озодлик харакатини қўллаб-қувватлаган, хотин-кизларнинг жамиятдаги роли ва ўрни хақида асарлар ёзган, жаҳолат ва зулм поймол этган ўзбек аёлининг миллий, инсоний ҳақ-ҳуқуқларини талаб килиб чиккан («Инсонга канча эрк даркор?», «Илм ва маориф борасида бир-икки сўз», «Хотинлар ҳуқуқига оид» ва б.). Нозимахоним шеърляти 1905—17 йиллар ўзбек адабиётининг етакчи тамойилларини аниқлашда, 20-йиллар ўзбек шеърлятининг характерли хусусиятларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

ГАЗАЛЛАР

* * *

Кўзи сузук нигорим,
Сўзи чучук нигорим,

Бокмай киё ўтарсан,
Айбим начук, нигорим?

Хажрингда дарду гамдин
Каддим букук, нигорим.

Хижрони оташингдин
Багрим куюк, нигорим.

Надур хуршиди тобон,
Сенсан буюк, нигорим.

Вах эмди битти токат,
Мен бир ўлук, нигорим.

Кўксимга бок аламдан
Чоки чўкук, нигорим.

Рахм айла Нозимангга,
Кўзи сузук нигорим!

* * *

Бесабаб ёрингни ўлтирмак, начук?
Мен вафодорингни ўлтирмак, начук?

Фарз килдинг гарчи душманман сенга,
Бунчалар, бас, хор ўлтирмак, начук?

Вой, хазар айлаб мени девонадин,
Бу дили зорингни ўлтирмак, начук?

Куйи васлингни итидур бу гариб,
Телба-ю зорингни ўлтирмак, начук?

Телмуруб бўлди нигорон кўзларим,
Чашми хунборингни ўлтирмак, начук?

Дам-бадам васфинг тилимда, эй пари,
Ўз дуоғўйингни ўлтирмак, начук?

Васли уммидингда юргай Нозима,
Бас, вафодорингни ўлтирмак, начук?

* * *

Келди айёми бахор, олам гулистондур бу кун,
Лолалар очилди, сахро богу бўстондур бу кун.

Жахр-зикру хонакахдин юз ўгирмок вақтидур,
Дахрнинг завки сафоси бизга меҳмондур бу кув.

Этти наврўз гул чаман хусни расола хуснини,
Ишкида дил булбули беҳуд мастондур бу кун.

Бок, никоб олди юзидин сарв бўйлуқ ёрлар,
Лаззати лаъли лаби вах менга армондур бу кун,

Ранг-баранг оку кизил кўйлак кийиб дилдорлар,
Бизни шайдо айлаган гулгун занахдондур бу кун.

Чун аларнинг хуснидин олам хамадур лолазор
Ошики маъшукка бокиб масту хайрондур бу кун.

Нозанинлар ноз бирла зеб-зийнатлар такиб,
Сумбули зулфлар паришон райхон намоёндур бу кун.

Нозима, назминг била мадх эт бахор айёмини,
Гар фалак кажравлигидин юрт вайрондур бу кун.

* * *

Кўргузуб нозик жамолин масту хайрон айладю,,
Ўзи гул сайрига кетти, бизни богбон айлади.

Очилиб гул гунчадек ўт солди жону жисмима,
Бир тараххум килмайин оламга дoston айлади.

Кўргач, ул хуршид юзин ўтлар туташди жонима,,
Сўлдуруб умрим гулин, бахтимни вайрон айлади.

Юз жамоли шамъига парвона бўлдим ўртаниб,
Билмади холим хануз, агёра паймон айлади.

Мисли булбул гул юзин шавкида айларман наво,,
Лек эшитмай бир йўли кўзимни гирён айлади.

Хар кеча ул ой фирокида чекарман охлар,
Бир табассум килмайин холим паришон айлади.

Майли, ширин тил била дерман камоли васфини,
Нозима, гарчи сени багрингни бирён айлади.

* * *

Ичмадим шарбат хаётим чашмасидин бир кониб,
Давр жабридин, нетайким, жисм ила жоним ёниб.

Халк дермишлар мени бу юрт аро «кўб фозила»,
Лек юрмушман хамиша дарбадар, мажрухбўлиб.

Шунча ахтардим жахонни, бахт недур, топмадим,
Сарсари девона янглиг хосил умрим саргариб.

Мен десам адлу диёнат лафзини хокимлара,
Кувдилар, Мажнун дебон, хеч ерда кўймай бу гариб,

Бўлмадим хамдам вале ул фосику каззобга,
Эл талошин айлабон хар сори ўзни еткариб.

Дил уйи ранжу жафодин бўлди охир рез-рез,
Кайга борсам ўртанурман дам-бадам конлар ютнб,

Хеч одам бормукин Нозима янглиг дахр аро,
Ичмаган шарбат хаёти чашмасидин бир кониб.

* * *

Вах-вахки, мен ҳам бир жисми бежон?
Ким ногах, анга етушди бир жон.

Вах-вахки, ман ҳам гўёки Хизри,
Ким, анга йўлукти оби хайвон.

Вах-вахки, ман ҳам бир дардли бемор»,
Хотифдин етушди анга дармон.

Вах-вахки, ман ҳам шикаста Яъкуб,
Ким, бўлди висоли хўби Канъон.

Вах-вахки, ман ҳам бир мўри помол,,
Ким, берди нигин анга Сулаймон.

Эй Нозима, бас, шукрона килгил,,
Мехру висола айланди хижрон.

* * *

Кизил гул, богу бўстоним каёнсан?
Фидодур сенга бу жоним, каёнсан?

Карору сабру оромим туганди,
Ушалмай колган армоним, каёнсан?

Эриб жону жахоним, колди жисмим,
Заиф холимга дармоним, каёнсан:

Гаму дардларга дармонлар йитилди,
Йўколган тиги хунхорим, каёнсан?

Агар ётсам ўлуб тупрок ичинда,
Топилмас ахду паймоним, каёнсан?

Хама ошиқлар ўлди юз гадойинг,
Юзи гул, сунбул афшоним, каёнсан?

Келубтур эшикингга Нозиманг, хай,
Севинтир они, султоним, каёнсан?

ЎКИНГ РУС ЗАБОНИНИ

Ўкинг руси забонин, эл аро бу яхши хислатдур,
Забони безабон бўлмок, билинг, бу кони иллатдур,
Билай десанг замон ичра хакикий сирри хикматни,
Йўк эт мулки вужудингдин фасоду кулли бидъатни,
Хамма илму акоид рус забонинда мухайёдур,
Агар ўксанг ани чашм олдида олам сурайёдур.
Тамоми илми хикмат хам риёзиёт, фалакиёт,
Этилмушдур баёни бу забони ила ки тиббиёт,
Жахоннинг турли гавгоси, янги кўп ходисоти хам,
Лисони русиё бирла ўкур они жами одам.
Агар укмай кетарсан бу забонни, чашм эрур рўё,
Ўтурсан бенасиб хуршид зиёсидин рўсиё(х).
Ўкубсан, Нозима, руси забонин, сенга хислатдур,
Забони безабон бўлмок, билинг, бу кони офатдур.